



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (14.050)

Баҳоси эркин нарҳда

## ВАТАНПАРВАР, ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН АВЛОДНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Тошкент шаҳри ва вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги йилларда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ислоҳат цивилизацияси маркази, кўп қаватли уйлар ва бошқа ижтимоий объектлар барпо этилаётгани Эски шаҳар кўрғига кўрк кўшиб, уни пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларидан бирига айлантирмоқда.

Ўзбек романичилигининг асосчиси, ватанпарвар адиб Абдулла Қодирий хотирасига эҳтиром кўрсатиш, миллий адабиётимиз ривожига қўшган бекиёс хиссасини улуғлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида ижод мактаби ва музей бунёд этилди. Боққа кираверишда буюк ёзувчи ҳайкали ўрнатилди. Бу Эски шаҳарни мазмунан бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб улуғ адиб ҳайкалининг очилиш маросимини иштирок этиб, унинг пойга гул қўйди. Бугун Ўзбекистон "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган устувор ғоя асосида тараққийнинг янги босқичига ўтмоқда. Жамиятимизнинг маънавий пойдеворларидан бўлган ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини оширишга алоҳида аҳамият қаратишмоқда.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бои хазинасини ёш авлодга етказиш мақсадида атоқли шoir ва адибларимиз номларидаги ижод мактаблари ташкил этилмоқда. Мухаммад Ризо Огаҳий, Исроҳон Ибрагим, Хамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Халима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактаблари шулар жумласидандир.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишларини янги босқичга кўтариш мақсадида давлатимиз саркарининг жорий йил 9 сентябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўзбек тили ва адабиётини, бадий ижод силарини чуқур ўрганишга ихтисослашган.

Мазкур таълим маскани Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги фармойиши билан ташкил этилган. 2019 - 2020 ўқув йилида унинг 5, 6, 7 ва 8-синфларида ижодий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида 121 нафар ўқувчи саралаб олинди. 5-синф ўқувчиси, "Ёш китобхон" республика кўрик-танлови ғолиби Зиёла Шомуродова ҳам ижод мактабига қабул қилинди.

Икки қаватли мактабда ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши учун ҳамма шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, шинам ва қўлай. Фан кабинетлари замонавий технологиялар ва ўқув анжомлари билан таъминланган. Кутубхона адабий асарлар, бадий адабиётларга бой. Очқик ва ёпик спорт залларида ўғил-қизлар спорт тўғрисидаги қатнашиш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун қўлайликлар мавжуд.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Абдулла Қодирий ижод мактабига ўқитган бу болалар янги Ўзбекистон келажигининг бунёдкорларидир. Барча умумтаълим мактаблари ушбу ўқув даргоҳидан маънавиятни, маърифатни ўрганиши лозим. Чунки бу ерда тахсил олаётган болалар нафақат маънавиятни, балки ўз Ватанини юракдан севайдиган истеъдод эгаллари. Биз ижод мактабларида ватанпарвар ёшларни тарбиялашни мақсад қилганимиз, — деди Президентимиз.

Ижод мактабига "Қодирий издошлари", "Ёш қаламкашлар", "Ёш журналистлар" каби тўғрақлар, "Ифодали ўқуш", "Нотиклик санъати" бўйича қўшимча дарслар ташкил этилган. Таниқли ёзувчи, шoir ва олимлар иштирокида маҳорат дарслари, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилиши тўғрисида.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юрталарининг олимлари бу ерда дарс ўтиши, таниқли ёзувчи ва шoirлар маҳорат сабақларини йўлга қўйиши, дарслар замонавий методика асосида олиб борилиши зарурлигини таъкидлади. Истеъ-

долди болалар фақат ўқув жараёни билан чекланмай, университетларда амалий машғулотлар ўташи кераклигини қайд этди. Ўғил-қизларга мамлакатимиз тарихини мукаммал ўргатиш мақсадида ижод кунлари юртимизнинг диққатга сазовор шаҳарларига саёхатларини ташкил этиш юзасидан курсатмалар берилди.

— Бу мактабда миллатпарвар, ўзлигини англаган авлод камол топишига ишонман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, бу йил Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланди. Бундай тадбирлар адиб номи қўйилган ижод мактабига ўзгача шукҳ билан ўтди.

Фақатгина бу эмас. Қодирий яшаб, ижод қилган уй музейга айлантирилди. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига кираверишда адиб музейи барпо этилди. Мазкур бинога "Турон" кутубхонаси ҳам жойлаштирилди. Бу нафақат адибнинг ворислари, балки адабиёт, маънавият ва маърифат аҳлини, бутун халқимизни чексиз қувонтирди.

Президентимиз музей ва кутубхонадаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Музейга кираверишда Абдулла Қодирийнинг ҳикматли сўзлари битилган. Чап томонда ёзувчининг ҳаёт ва ижод йиллари хронологияси, қатоган йиллари экспонатлари, мустақиллик йилларида Абдулла Қодирийга кўрсатилган эҳтиром акс этган экспозициялар жойлашган. Томошабинлар залдаги улкан монитorda адиб асарлари асосида суратга олинган "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" фильмларини, бошқа картиналарни кўриши мумкин.

"Турон" кутубхонаси ўтган аср бошларида жадид маърифатпарварлари томонидан ташкил этилган бўлиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кутубхона яна Эски шаҳарга кўчириб келинди. Кутубхонада китобхонлар учун ҳамма имкониятлар яратилган, ўқув заллари замонавий компьютерлар, "Wi-Fi", нусха кўчириш ускуналари билан таъминланган. Бу ерда имконияти чекланган шахслар ҳам фойдаланиши учун махсус зал мавжуд, брайл алифбосидаги адабиётлар қўйилган.

Давлатимиз раҳбари қарийб 400 минг китоб фондига эга кутубхона адабиётларидан юртдошларимизни кенг баҳраманд этиш, бунинг учун пойтахтимиздаги маҳалалар, мактаблардан аҳоли ва ёшларнинг экскурсияларини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, бу ерда ҳаёт қайнаши зарурлигини таъкидлади.

— "Турон" кутубхонаси кўчирилиб, беватан қилиб қўйилган эди. Бугун кутубхона яна Эски шаҳарга қайтарилгани жадид боболаримиз руҳларини шод этди. Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Мунаввар қори каби боболаримиз бир пайтлар иморат қурмаган, бойлик орттирмаган, не-не машаққат билан тонган маблағига кутубхона қурдирган. Улар мана шу кутубхонани ўзларидан ҳайқал қилиб кетган, десак бу ҳам адолатдан бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ёзувчи ва шoirлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари Эски шаҳарда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, адиб музейи ва кутубхона қурилгани ушбу гўшага яна барака қайтаётганидан далолат эканини қайд этди.

— Яқунлиниб бораётган бу йилимиз ҳам юртимиз, халқимиз учун салмоқли ютуқларга бой бўлиб тарихда қолади. Катта-катта саъов ишлар қилаялмиш, Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар барпо этишга киришдик. Бу билан мамлакатимизда учинчи ренессанс даврига пойдевор қўйдик. Сизлар билан бугунги учрашувимиздан мақсад адабиётга, маънавиятга эътибор бериш учун яна нималар қилишимиз керак — шуларни фикрлашди олоққичман. Битта нарсани билинглар, адабиётсиз иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам бўлмайдди. Хар қанча бойлик китобсиз, билимсиз, маънавиятсиз узок яшамайди. Ижод мактабларида ўқиган болалар эртага Ватанга, оиллага хиёнат қилмайдди. Шу жиҳатдан мазкур ўқув даргоҳлари миллимизни адабиётини, маънавиятини улуғлайдиган ватанпарвар ёшларни тарбиялашда таъяни бўлади, — деди Президентимиз.

Учрашувда Ўзбекистон янги тараққийёт даврига қадам қўйгани, юртимиз ўз йўлини тўғри танлаб олгани ва бу йўлдан асло қайтмаслиги, сўнгги ўч йилда адабиётга, маънавиятга эътиборнинг қуяйгани халқимизни руҳлантиргани алоҳида таъкидланди. Ёзувчи-шoirлар мамлакатимиздаги ўзгаришларга ёшларимизни эргаштиришда ўзларининг ижо-

ди билан давлатимизга қуч-қанот бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, халқ шоири Маҳмуд Тоир, адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Иброҳим Фафуров, адибнинг набираси Хондамир Қодирий ва бошқалар Абдулла Қодирий қатоган йилларида жуда катта жасорат кўрсатиб, халқимизга бебаҳо мерос қолдиргани, аммо шу кунгача унинг бой мероси ва хотирасига етарли эҳтиром кўрсатилмаганини сўзладилар. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Абдулла Қодирий ижод мактаби ва музейидан иборат яхлит мажмуа фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида улкан воқеа, ёшларимиз, бутун халқимизга муносиб тўғра бўлганини қайд этиб, бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шу кун Ўзбекистон Президенти, Қуролли Қучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда Тошкент вилояти Зағитота туманидаги ҳарбий қисмида бўлди.

Президентимиз томонидан берилган топшириққа мувофиқ, Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда ҳарбий қисм қайта ташкил этилиб, замонавий ҳарбий шаҳарчада жойлаштирилган эди.

Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар, ўқув-тарбия жараёни, замонавий ўқитиш воситалари, шунингдек, ўқув жараёнига аxbорот-коммуникация технологиялари қай даражада жорий этилгани билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги қарорига асосан аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент аxbорот технологиялари университетининг Махсус факультети Мудоффа вазирлиги Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилган.

Мазкур ҳарбий институтида олпти йўналиш бўйича офицер кадрлар тайёрланади. Унта кафедра ва малака ошириш факультети фаолияти йўлга қўйилган. Мавжуд лабораториялар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. 700 ўринли ошона, спортнинг 14 тури билан шуғулланиш имконияти бўлган ёпик спорт зали бор. Бу ерда курслардан техник йўналишдаги олий ўқув юрталарининг энг иқтидорли талабалари орасидан саралаб олинади.

Ташриф чоғида ҳарбий хизматчилар, вазирик ва идора-лар, Фанлар академияси раҳбарияти, техника йўналишидаги етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Унда ҳарбий таълимни ривожлантириш, ҳарбий алоқа мутахассисларини саралаб ва тайёрлаш бўйича кенг тизimini йўлга қўриш борасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги чоралар белгилаб олинди.

Бугунги аxbорот асрида тезкор хабар алмашув, айникса, ҳарбийлар учун гоат муҳим аҳамиятга эгалиги, бу тизimini замонавий аxbорот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, алоқа хавфсизлигини чуқур эгаллаган мутахассислар тайёрлаш ишларини доимий шакллантириб бориш зарурлиги таъкидланди.

— Бугун алоқа соҳасини ривожлантириш бўйича бир йил олдин бошлаган ишларимизнинг илк натижаларини кўриб турибмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Алоқа бўйича биринчи институти ташкил этилди. У ҳарбий қисм билан бир жойда жойлашгани курсантларнинг назарий машғулотларини амалиёт билан уйғун ўтказишида қўл келади. Энди эътиборни сифатга қаратишимиз лозим.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига ҳарбий қисмда амалга оширилган қурилиш ишлари, мудоффа тизимида алоқа тармоқларини модернизация қилиш, жанговар ва ўқув тайёрларлик жараёнларини автоматлаштириш бўйича лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари турли нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳарбий спортчилар билан ҳам мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисм иштиёридаги махсус техника ва алоқа воситаларининг намуналари билан танишди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбирлари



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Нодирабегим номидаги вилоят аxbорот-кутубхона марказининг мукаммал таъмирдан чиқарилган биноси тантанали равишда очилди. Марказ биносини модернизациялаш жараёнида бу ерда китобхонлар учун еттига ўқув зали бунёд этилди. Уларда бир вақтнинг ўзида 450 нафар китобхон мутлоа қилиши мумкин. "Booksafe", QR кодли электрон китоблар, аудио адабиётлар, янги асарлар кўргазмаси, медиа ва интернет заллари, хорижий ёзувчилар асарларини ўқиб-ўрганишга мўлжалланган "Дўстлик" ўқув зали ва бошқа хоналар бу ерда ташриф буюрувчилар учун хар томонлама қўлайлик яратгани билан аҳамиятлидир.

• Сирдарё вилояти Янгийер шаҳрида "Янгийер" санаторийси фойдаланишга топширилди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерациясининг 85 миллиард сўмлик маблағи эъзаига бунёд этилган "Янгийер" санаторийси 230 ўринли бўлиб, 32,3 гектар майдонни эгаллайди. Жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган мазкур 5 қаватли шифо маскани инновацион технологиялар асосида "Қасаба қурилиш таъмир" корхонаси қурувчилари томонидан барпо этилди. Шунингдек, ташландик аҳолига келиб қолган 3 қаватли эски санаторий биноси ва 4 коттеж тўдан қайта реконструкция қилинди.

• Гулистон шаҳрида Халима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатинг янги биноси фойдаланишга топширилди. 150 ўринли мактаб-интернат биноси "Бетон саноят" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа фурсат — 6 ойда барпо этилди. Умумий майдони 2,2 гектарни ташкил этувчи мазкур ижод мактаби биносини қуриш ва жиҳозлашга 34 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шаҳар кўрғига кўрк кўшиб турган ушбу иншоот республикамиз ижод мактабларидан ўзининг бетакорр дизайни билан фарқ қилади. Объектнинг сифатли ва мукаммал қурилишида жамиятнинг 200 доимий ва 300 мавсумий ишчи-қурувчиси иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

• АҚШда электрон сигарет чекишдан тўққизинчи ўлим ҳолати қайд этилди. Бу ҳақда NBC телеканали хабар берди. "Ўпка касаллиги оқибатида Канзаснинг иккинчи фуқароси вафот этганини қайғу билан маълум қиламан", — дейлади губернатор Лора Келлинг баёнотида. Аввалроқ АҚШ касаллиқлар профилактикаси ва назорати маркази электрон сигарет чекувчилар орасида ўпка ва нафас олиш йўллари касалликлари кўпайиб бораётганини маълум қилганди. Айтилишича, бутун мамлакат бўйлаб 500дан ортик ана шундай ҳолат ўрганилмоқда. Шунингдек, ана етти киши электрон сигарет чекиш билан боғлиқ симптомлар билан Канзасдаги касалхонага ётқизилган.

• Япониянинг "Кавасаки" компанияси Токиода бўлиб ўтаётган ихтисослаштирилган кўргазмада ўзининг янги истиқболли ишланмаси — Каледа деб номланган роботнинг имкониятларини намойиш этди. Таъкидлаш жоизки, янги робот табиий ва техноген тусдаги турли фалокатлар рўй берганда инсонларни хавфли зоналардан қутқариш имкониятига эга. Зеро, Каледада одамларни қўлда қўтарган ҳолда ҳаракатланиш қуввати мавжуд.

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**  
Мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, жамиятга фаол интеграциялашиши, билиминини мустаҳкамлаб, самарали натижаларга эришиши учун барча амалий чоралар қилинмоқда.

**ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ:**  
**БОЛАЖОНЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ УЛАШИШ УЧУН СОВФАЛАР КАРВОНИ ЙЎЛГА ТУШДИ**  
Бу каби амалий ишлар баркамол авлод, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, қолверса, ота-она қарамағандан маҳрум бўлган болаларга жамият ва давлатнинг доимий ҳамқўлиги, эътиборининг ифодасидир. Саховат ва азғулик ишлари турли байрамлар, тантаналар, хусусан, янги йил арафасида янада яқинроқ қўлга ташланади.  
Янги йил байрами ўзгача руҳ, кўтаринкилик ва шоду хуррамлик билан яқинлашиб келмоқда. Шу кунларда Президент совғаларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга етказиш бошланди. Жойларга етказиладиган ўқув анжомлари, турли ширинликлардан иборат Президент совғасини хар доимгидек кичкинтойлар орзиқиб кўтади. Бу лаҳзалар улар учун нуғулмас таассуротларга бой бўлади.  
Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Янги йил байрамининг тўла-тўқис, юксак савияда ўтказиш, камровини кенгайтириш, фарзандларимизга қувонч улаштириш учун пухта хозирлик қўриди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик ва Муруват уйлари, "SOS - Болалар маҳаллари" тарбияланувчилари, ота-она қарамағандан маҳрум болалар учун байрам тадбирлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг Янги йил совғаларини топшириш юртимиз болалари учун янги йилнинг энг қувончли воқеаси бўлади.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тақдим этиладиган совғалар ўтган йили болалар учун 11



номдаги ўқув қуруллари ва 17 номдаги ширинликлардан иборат бўлган эди. Бу йил эса Президент совғасидан махсус совғалар қолғичи билан 6 номдаги ўқув қуруллари, 20 номдаги ширинликлар, юмшоқ ўйинчоқ ва шахмат жой олган, Президент совғалари Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига автотранспортда, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга самолётлар орқали жорий йилнинг 26-28 декабрь кунлари жадвал асосида етказиб берилди.  
Совғалар 29 декабрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган "Президент арчаси" тадбирларида кичкинтойларга улашилади.  
**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

**ШҲТ БИЛИМЛАР ЗАЛИГА ХИТОЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТУҲФАСИ**  
Тошкентдаги ШҲТ халқ дипломатияси марказида 26 декабрь куни Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.  
Унда Тошкентдаги ШҲТ халқ дипломатияси маркази директори, сенатор Раҳматулла Назаров, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Чжан Вэнчунань сўзга чиқди.  
Сўхбат чоғида Тошкентдаги ШҲТ халқ дипломатияси маркази билан тузилма иштирокчи мамлакатлари жамоат ташкилотлари ўртасида кўп ва икки томонлама алоқаларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.  
Жорий йил 26 ноябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ШҲТ билимлар зали очилди. Шу муносабат билан ташкилотга аъзо ва унда кузатувчи мақомига эга давлатлар томонидан турли мав-

